

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 198-ҳадис

## 1. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг қўлида тилла узукни кўриб қолиб, уни ечиб олиб, ташлаб юбордилар ва: **«Баъзиларингиз дўзахнинг чўғини олиб, қўлига тақиб олади-я!»** дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетганларидан сўнг ҳалиги кишига: «Узугингни олиб, ундан (бошқа йўл билан) фойдалан», дейишган эди, «Аллоҳга қасамки, уни асло олмайман. Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ташлаб юбордилар-ку!» деди».

*Имом Муслим ривояти.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

